Куч — адолатда

2012 йил,
10 август,
жума
№ 31 (388)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Жорий йил бошида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг 20 йиллиги нишонланди. Ўтган йиллар мобайнида Миллий авиакомпаниямиз халқаро ташишлар бозорида рақобатбардошлигини намоён этибгина қолмай, балки мижозларнинг ишончини қозониш ва ўз фаолияти кўламини сезиларли даражада кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Авиация хавфсизлиги, йўловчиларга ерда ва парвоз пайтида хизмат кўрсатиш сифатига нисбатан талаблар йил сайин ошиб бормоқда. Парвозлар хавфсизлигига ерда авиация хавфсизлигини таъминлаш орқали эришилади. Бу доимий техник янгилашни талаб қиладиган узлуксиз ҳамда кўп босқичли жараёндир. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директорининг режим ва авиация хавфсизлиги бўйича ўринбосари Жавдот САИДОВ ЎзА мухбирига шу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

МАҚСАД — ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КЎПРОҚ ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ

— Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли фуқаро авиацияси соҳасида олдимизга қўйилган вазифаларни самарали ҳал этиш имконини берадиган аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Аэропортларни қўриқлаш бўлинмалари, авиация хавфсизлигини назорат қилиш хизматлари, шунингдек, аэропортлар олдидаги майдонларда ўтказиш пунктларини техник жиҳозлаш такомиллаштирилмоқда.

Энг муҳими, йигирма йил давомида барча тармоқлар изчил ва барқарор ривожланди. Авиапаркни янгилаш аниқ мақсадли равишда амалга оширилди ва бу борадаги ишлар бугун ҳам давом эттирилмоқда, парвозлар жараёни такомиллаштирилмоқда, янги терминаллар ишга туширилмоқда, учиш-қўниш полосалари модернизация қилинмоқда, корхоналарни техник жиҳозлашга катта аҳамият берилмоқда ва ходимларни тайёрлаш ишлари изчил олиб борилмоқда. Шуни таъкидлашни истардимки, ривожланишнинг барча босқичларида парвозлар ва йўловчилар хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Миллий авиакомпания аэропортлари ва бўлинмаларида жаҳон стандартлари талабларига мос келадиган сифат менежменти тизими муваффақиятли жорий этилмоқда. Барча жойларда янги техника ва технологиялар, ускуналар ўрнатилаётир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Munosabat

Инсон манфаатларининг ҳуқуқий кафолатлари

қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари билан янада мустаҳкамланмоқда

Истиқлол йилларида юртимизда қўлга киритилган ютуқлар, мамлакатимиз салоҳияти ва қудрати, халқаро майдондаги нуфузи, инсон манфаатларига қаратилган ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамияти йиллар ўтган сари янги маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда.

Давлатимиз мустақиллигининг йигирма йили давомида жамият ҳаётининг уйғун ривожини таъминлаш ва ижтимоий муносабатлар мувозанатига эришиш, асосийси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган амалий ишлар натижасида аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалиб, маънавий дунёқарашида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бу эса, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу жараёнда халқимизнинг конституция ва қонунларимизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашнинг самарали механизми, яъни мустақил суд ҳокимияти бунёд этилди. Зеро, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ҳамда давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган либераллаштириш инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. 2008 йил январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, ҳибсга олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши юртимизда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистонда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасида мақсадли, тизимли ва комплекс тадбирларни амалга ошириш изчил давом эттирилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар самарасида судьялик лавозимига номзодларни танлашнинг мустаҳкам миллий тизими яратилди. Алоҳида ижро тизими яратилгани судларнинг ўзига хос бўлмаган вазифалардан халос бўлиши ва бутун диққат-эътиборини ўзларининг асосий бурчи бўлмиш одил судловни амалга ошириш учун қаратиш имконини берди.

Судларнинг ихтисослашуви жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 2 августдаги **«Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни янада кучайтириш мақсадида қабул қилинди. Бу масалага 2010 йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди.

Мазкур Фармон халқимиз томонидан илиқ кутиб олинди. Айни кунларда нафақат суд тизими, балки бошқа соҳа вакиллари ҳам ушбу ҳужжат ҳақида, шу асосда амалга оширилаётган ишлар берадиган самаралар ҳақида ўз муносабатларини билдирмоқда. Қуйида сиз ана шундай фикрларнинг айримлари билан танишасиз:

Истиқлол берган имкониятлар

Истиқлол йилларида мамлакатимиз юксак довонлардан ошди. Нафақат иқтисодиёт, балки сиёсат ва ижтимоий ҳаётда мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришларга юз тутди.

Айниқса, жамият ва давлат ҳаётида рўй берган туб бурилиш ва янгиланишлар орасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш давлат сиёсатининг алоҳида йўналиши сифатида қаралгани эътиборга молик. Чунки жамиятни эркинлаштириш ва ҳокимиятни демократлаштириш жараёнини суд-ҳуқуқ тизимисиз тасаввур этиш жуда мушкул.

Президентимиз таъкидлаганидек, **агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз.**

(Давоми иккинчи бетда)

Инсон манфаатлари муҳофазасини таъминлаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг асосини ташкил этади. Истиқлолнинг илк йиллариданоқ юртимизда барча соҳа ва тармоқларда бошланган ислоҳотлар ҳам, энг аввало, ана шу мақсадга қаратилди. Давлатимиз раҳбари эътироф этган — ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун тамойили ҳаёт тарзимизга айлангани боис халқимизнинг турмуш даражаси тобора юксалиб бормоқда.

Айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ислоҳотлар жараёнида асосий ўрин тутиб келмоқда. Суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилиниб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил суд ҳокимияти шакллантирилди.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган

Одил судловни таъминлашга хизмат қилади

«Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Шу асосда тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси кучайтирилиши уларнинг фаолияти самарадорлигини янада оширади. Жумладан, Фармонда умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьялари ҳамда мансаб даражасига эга бўлган ходимлар ойлик маоши оширилиши, судьяларнинг даромад солиғидан озод этилиши белгилаб қўйилди. Бу юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир. Шу билан бир қаторда, судьяларга уй-жой сотиб олиши учун узоқ муддатли, имтиёзли ипотека кредитлари берилиши ёки ижарада турганлар учун ҳар ойда компенсация тўланиши, шубҳасиз, соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг яна бир амалий ифодасидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Бағрикенглик, кечиримлилик, адашганга тўғри йўл кўрсатиш, йиқилганни суяш каби фазилатлар юртимизда асрлар оша яшаб келаётган бебаҳо қадриятлар сирасига киради. Зеро, бу адашган, билмай хато қилган одамга имконият бериш, хатосидан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётда яна ўз ўрнини топиб олишга кўмак бериш демакдир. Қонунчилигимизга киритилган ярашув институти замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам.

Islohot va samara

Бағрикенглик — юксак қадрият

— Қонунлар — инсон табиати, эркинлиги, миллий ўзига хослигининг ойнаси деган қарашда жон бор, — дейди жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди раисининг ўринбосари Қодирберган Яхшимуродов, — Ярашув институтига келсак, бу инсоний туйғунинг илдизи аждодларимизнинг ибратли анъаналарига бориб тақалади. Эътиборлиси, ярашув институтига оид мисолларга суд ишлари жараёнида деярли ҳар куни гувоҳ бўлиш мумкин. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят судлари томонидан 170 нафарга яқин фуқаро ярашув туфайли жазодан озод қилинганини бунинг исботидир.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Суд буйруғи институти

амалда фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини тўлиқ муҳофаза этишдаги аҳамиятини янада ошириш борасидаги янгиланиш ва ўзгаришлар бугун амалда ўзининг аниқ самарасини бераётир.

(Давоми учинчи бетда)

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида яна бир муҳим қадамлардан бири бўлди. «Халқ сўзи» мухбири билан мулоқотда бўлган хорижлик экспертлар ушбу Фармон Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишда долзарб аҳамият касб этишини қайд этмоқда.

«Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотларига алоҳида эътибор қаратилмоқда»

Юнг-Хван РИЕ,
Корея Республикаси Олий суди судьяси,
Корея Республикаси Олий суди ахборот технологиялари бўйича юридик бюроси директори:

— Оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу борада қўлга киритилаётган натижаларни мунтазам кузатиб бораман. Ҳақиқатан ҳам, юртингизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг муҳим омили сифатида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда соҳага демократик тамойилларнинг изчил жорий этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мисол учун жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, халқингизнинг миллий қадриятларини ўзида мужассам этган ярашув институтининг жорий этилиши эътирофга лойиқдир.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатингизда инсонпарварлик тамойилларига асосланган суд тизими ўзини тобора кенгроқ намоён этмоқда. Чунончи, Президент Ислом Каримов томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришга қаратилган қонунчилик ташаббуслари илгари сурилганлигини таъкидлаш жоиз.

Яқинда эълон қилинган «Суд тизими ходимларини итимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг асосий мазмун-моҳияти билан танишиб чиқдим. Юқорида қайд этилган Концепция талаблари асосида қабул қилинган мазкур Фармон юртингизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганининг яна бир ифодасидир. Хусусан, унда судьялар ижтимоий муҳофазаси билан бирга, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш ҳамда етук кадрларни тайёрлашга алоҳида урғу берилганки, буларнинг барчаси мамлакатингиз суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади, албатта. Чунки бугунги ахборотлашган даврда судларнинг электрон воситалардан самарали фойдаланиши айни муддаодир.

З.ХУДОЙШУКУРОВ
ёзиб олди.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 9 август сонидан олинди)

Munosabat

Инсон манфаатларининг ҳуқуқий кафолатлари

қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари билан янада мустаҳкамланмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Дарҳақиқат, ана шу нуқтаи назардан соҳада амалга ошириб келинаётган ислоҳотларда инсон манфаатлари устуворлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир. Ушбу жараёнда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш

Истиқлол берган имкониятлар

бўйича янги концепция ҳаётга тадбиқ қилинди. Судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Бир сўз билан айтганда, қонун устуворлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойили янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олингани инсон ҳуқуқларини юксак даражада ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг тамал тоши бўлди. Қайд этиш жоизки, ўтган йиллар давомида амалда ўзини тўлиқ оқлаган бу каби тамойиллар «ўзбек модели» сифатида дунё жамоатчилигининг эътибори ва эътирофига ҳам сазовор бўлди.

Шахс, жамият ва давлат муносабатларида ўзаро уйғунлик муҳити яратилгани, айниқса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахснинг эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ мос келишига эришилаётгани, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти йилдан-йилга ўсиб бораётгани бунга йўл очди.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдир. Бу борада ўтган давр мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибида ҳимоя қилиш кўлами кенгайди. Зеро, Бош қомусимизнинг 44-моддасида белгилаб қўйилганидек, **ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.**

Мазкур меъёрни ҳаётга тадбиқ этиш асосида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролар онгида суд ҳокимиятига ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган идора сифатида қарашни шакллантиришга алоҳида эътибор берилиши билан бирга судларнинг қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъминлашдаги роли кучайтирилди. Бир-бирини мазмунан тўлдирувчи бу омиллар туфайли кейинги йилларда юртдошларимизнинг суд ҳокимиятига бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

Буларнинг бари истиқлол берган беқиёс имкониятлардир.

Халқимиз истиқлолимизнинг 21 йиллик тўйига кўтаринки кайфият билан қизғин ҳозирлик кўраётган шу кунларда Президентимизнинг **«Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони эълон қилингани суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни янги маъно ва мазмун билан бойитди. Бугунги кунгача соҳага оид зарур қонунчилик асослар яратилгани ва тизим замон талабига жавоб берувчи ҳокимият сифатида мустаҳкамланганини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу фармон асосида судьяларнинг ижтимоий муҳофазаси кучайтирилгани соҳадаги ишлар самарадорлиги янада ошишига катта ижобий таъсир кўрсатади.

Мазкур Фармонга мувофиқ, яратилаётган имкониятлар соҳа ходимларининг зиммасига ўз иши устида қатъият билан ишлаш, вазифасига виждонан ёндошиш масъулиятини юклайди.

Фармондаги яна бир муҳим янгилик — судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташлари назарда тутилганидир.

Чиндан ҳам, судьялик — оддий касб эмас. Маълум малака ва тажрибага эга бўлмай туриб, бировнинг тақдирини ҳал этиб ёки ҳуқуқини ҳимоя қилиб бўлмайди. Шу маънода бундай талабларнинг қўйилгани амалда ўз самарасини беради.

Буларнинг барчаси судларда қонунийлик принципига қатъий риоя этилишини таъминлайди ва пировардида фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари янада ишончли ҳимоя қилиниши, манфаатлари тўла муҳофаза этилиши кафолатларини янада мустаҳкамлайди.

Мавжуда РАЖАБОВА,
профессор

Одил судловни таъминлашга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бинобарин, бундай эътибор тизимда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим қатори менга ҳам катта фахру ифтихор бахш этди. Бу ўз навбатида зиммамиздаги масъулиятни янада оширади, албатта.

Маълумки, бугун ҳар бир соҳа, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизими ривожини ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис Фармонда бу йўналишга алоҳида ўрин берилган. Унга кўра, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури амалиётга тадбиқ этилади ва ахборотлаштириш бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилади.

Ўз навбатида, мазкур ҳужжатга мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судлар оптималлаштириши эса, уларнинг янада самарали фаолият юритиши учун кенг имконият яратади.

Табиийки, соҳани малакали, етук кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам бугун долзарб ҳисобланади. Шу туфайли Фармонда юридик таълимни янада такомиллаштириш, ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари қамраб олинган.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимизнинг ушбу Фармони Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ҳамда таклифларни изчил рўёбга чиқариш, шу жумладан, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ҳамда ижтимоий кафолатларни кучайтиришга хизмат қилади.

Алижон ОРТИҚОВ,
Олий суд судьяси

Судларнинг нуфузи тобора юксалмоқда

Айтиш керакки, мустақилликнинг ўтган даврида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар натижасида суд ҳокимиятининг мустақиллигини тўлиқ таъминлаш, соҳада миллий қонунчилик тизимини яратиш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, **суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш борасида кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.**

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида соҳада эътиборга лойиқ, ижобий, туб ўзгаришлар амалга оширилди. Авваламбор, судьяларни тайинлашнинг алоҳида тизими яратилгани уларни маҳаллий ҳокимият, сиёсий партиялар ва мансабдор шахсларнинг таъсиридан холи бўлишига шароит яратди.

Судьялик лавозимида ишлаш хоҳиши бўлган номзодларнинг ихтиёрий равишда ариза билан мурожаат қила олиши, малака имтиҳонидан ижобий ўтганлари эвазига судьяликка номзодлар заҳирасини шакллантириш ва уларнинг малакасини ошириб бориш, бўш жойларга судьяликка номзодларни тавсия этишда ошкоралиги таъминлаш, муқобиллик асосида номзодларни тақдим этиш натижасида бўш бўлган судьялик лавозимларига амалий иш тажрибасига, касбий лаёқат, етарли малака ва билим, кенг дунёқарашга эга бўлган номзодлар тайинланишига эришиб келинмоқда.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган **«Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур Фармон асосида Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьялари ҳамда мансаб даражасига эга бўлган суд ходимларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида қатор имтиёзлар берилаётгани соҳа ходимларининг зиммасига улкан масъулият ҳам юклади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Одил судловни амалга ошириш йўлида суд тизимини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи мустақил ҳокимият сифатида қарор топтиришга оид зарур чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Айни пайтда Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, жамиятимизда том маънодаги суд назорати институтини қарор топтириш йўлида замон ва тараққиёт талабидан келиб чиққан ҳолда кенг қамровли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда.

Улкан эътибор намунаси

Бош Қомусмизнинг 19-моддасига асосан фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Бундан кўриниб турибдики, суд ва судьяларнинг мавқеи ва мақоми жуда юксакдир.

Конституциямизга мувофиқ, судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишига йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, одил судловни амалга ошириш вазифаси судлар томонидан бажарилар экан, авваламбор, ана шу соҳада хизмат қилувчи судьялар ва ходимларга катта масъулият юкланади. Буни ҳис қилган ҳолда судьялар қонун устуворлигини таъминлаш, адолат принципига амал қилишлари зарур. Шунинг учун уларнинг назарий ва амалий билимларини, малака ҳамда касб маҳоратини мунтазам равишда ошириб бориш, судьялик заҳирасини муносиб номзодлар асосида шакллантириш, энг муҳими, суд тизимини ҳуқуқий онги етук, замонавий фикрлайдиган кадрлар билан тўлдириш принципиал аҳамиятга эга.

Президентимиз томонидан шу йил 2 августда қабул қилинган **«Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармон бу борада муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Фармонда таъкидланганидек, **суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминламасдан, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.**

Ушбу ҳужжат орқали давлатимиз раҳбари суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратгани биз, судьялар учун ниҳоятда қувончли воқеа бўлди.

Олий хўжалик суди тизимининг бир вакили сифатида шуни қатъий ишонч билан айта оламанки, давлатимиз раҳбари томонидан биз учун берилаётган кенг имтиёзлар, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш нафақат судья ва суд ходимларининг обрўсини кўтаради, балки бу ўз навбатида катта масъулият ҳам юклайди. Бу масъулиятни ҳис қилган ҳолда биз қонун устуворлигини таъминлашимиз, одил судловни амалга оширишда адолат ва қонунийлик принципларига амал қилишимиз шарт.

Рустам ХАЙДАРОВ,
Олий хўжалик судининг судьяси

Буни чуқур ҳис қилган пойтахт вилояти судьялари ва суд ходимлари Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят қонунчилигига киритилаётган ўзгартиришларни ўқиб-ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш баробарида касбий-билим ҳамда маҳоратлрини мунтазам равишда ошириб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан биз, судьялар ва суд ходимларига нисбатан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни чуқур ҳис этишимиз ва ҳар биримизнинг зиммамизга юклатилган муайян вазифаларни талаб даражасида сидқидилдан, фидойилик билан бажаришимиз фаолиятимиз мезони бўлиб қолади.

Мансур АХМЕДЖАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг раиси

Ушбу саҳифа материалларини Норгул АБДУРАИМОВА тайёрлади.

Maslahat

Кўчмас мол-мулк сотиш шартномаси

у қандай тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади?

Фуқаролик кодексининг 481-моддасига кўра, кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Шартноманинг давлат рўйхатидан ўтказилиши шартнома матнига ваколатли давлат идораси томонидан устхат ёзиш йўли билан амалга оширилади. Айни пайтда сотиб олувчи мулкдор сифатида кўчмас мулк давлат реестрида қайд этилади ва унга мулкдорлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат берилади. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилгунига қадар тарафларнинг кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасининг бажарилиши уларнинг учинчи шахс билан муносабатларини ўзгартириш учун асос бўлмайди. Агар тарафлардан бири кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товласа, бошқа тарафларнинг талабига биноан суд мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз равишда бош тортаётган тараф бошқа тарафнинг рўйхатдан ўтказиш кечикканлиги сабабли кўрган зарарини қоплаши шарт.

Лазиз ҚОДИРКУЛОВ,
Олий суд катта консультанти

Mulohaza

Вояга етмаганлар

Ҳар бир халқнинг келажаги вояга етаётган ёш авлодга боғлиқ. Шунинг учун бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юртимизда ёш авлод камолоти, унинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ миллий қонунчилик ҳам яратилганки, унда фарзанд туғилиб, то вояга етгунигача бўлган даврда уларни ҳар жиҳатдан ҳимоялашнинг зарур ҳуқуқий асослари жамланган.

2010 йил 1 февралда **«Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонуннинг қабул қилингани ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мазкур қонунга кўра, мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган тақдирда энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваричага миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Меҳнатга биронбир шаклда маъмурий тарзда мажбурлов вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган тақдирда энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинади.

Ушбу кодекснинг **«Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш»** деб номланган 49[1]-моддасида вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Бундан ташқари Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишнинг аниқ меъёрлари белгилаб қўйилган. Жумладан, вояга етмаган шахсларга тегишли жиноят ишини юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шартлиги, вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи марта сўроқ қилишдан бошлаб ишда ҳимоячининг иштирок этиши таъминланиши, вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда эса педагог ёки психологнинг иштирок этиши тўғрисидаги процессуал қонун меъёрлари белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Жиноят кодексининг 85-моддаси 4-қисмига кўра, вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди. Шунингдек, ушбу кодекснинг 87-моддаси 2-қисмида беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шартлиги белгиланган.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 564-моддаси 2-қисмида вояга етмаган шахсга нисбатан ишни кўришда Жиноят кодексининг 87-моддаси 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган ҳолларда суд вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чорасини қўлланиш тўғрисидаги масалани муҳокама этиши шарт. Суд мажбурлов чорасини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида асослантирилган ажрим чиқаради, дея қайд этилган.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, вояга етмаган А.Раҳимбердиев Жиззах шаҳар «Заргарлик» маҳалласида хусусий тадбиркор А.Абшаматовга тегишли савдо дўконининг орқа эшиги очиқ қолганидан фойдаланиб, омборхонага ўғирликка тушади. У омборхонадан 1 миллион 341 минг сўмлик мол-мулкни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинади.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг саъй-ҳаракати билан ушбу жиноят тез орада фош этилади. Ўғирланган мол-мулк жабрланувчига қайтарилади. Судланувчи вояга етмаган А.Раҳимбердиев бу қилмиши билан Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми «б», «г» бандларида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Fuqarolik qonunchiligi

Суд буйруғи институти

амалда фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жумладан, фуқаролик ишларининг тўғри, ўз вақтида кўрилишини таъминлашда фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик асослари яратилгани муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, Фуқаролик процессуал кодексида фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги меъёрлар белгилаб қўйилган. Шунингдек, судларда айрим турдаги низосиз ишларни соддалаштирилган ҳолда тезлик билан ҳал этиш, шу орқали фуқароларнинг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор соддалаштирилган тартиб жорий этилган бўлиб, шулардан бири Фуқаролик процессуал кодексига киритилган буйруқ тартибида иш юритиш институтидир.

Суд буйруғи биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг алоҳида бир тури бўлиб, Фуқаролик процессал кодексининг 238²-моддасида кўрсатилган талаблар юзасидан суд муҳокамаси талаб қилинмайдиган ишлар бўйича чиқарилади ва у ижро ҳужжати кучига эга.

Айтиш керакки, суд буйруғи институтини такомиллаштириш ва унинг амалиётда тўғри қўлланилишига эришишни таъминлашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарори ҳам алоҳида ўрин тутади.

Буйруқ тартибида иш юритиш нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишда, айни пайтда суд ишларини ўз вақтида, тезкор ва самарали ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ушбу институт асосида фуқаролик ишларини судда иш қўзғатмасдан ҳамда мазмунан кўрмасдан тезкор ва ихчамлаштирилган тартибда ҳал этиш мумкин. Айниқса, алимент ундириш, битимлардан келиб чиқадиган айрим низосиз бўлган талаблар, хусусан, ёзма битимга асосланган ва жавобгар томонидан тан олинган — газ, электр энергияси, иссиқлик қуввати ва иссиқ сув таъминоти, сувдан фойдаланиш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳамда фуқаролардан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан юзага келган қарзни ундириш бўйича талаблар юзасидан суд ишларининг тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлайди.

Буйруқ тартибида иш юритиш институтининг аҳамиятини судларга келиб тушаётган суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризаларнинг сони ортиб бораётганлиги ҳам кўрсатади. Масалан, 2010 йилда фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судлари томонидан 236.840 та ариза бўйича суд буйруғи чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 291.631 тани ташкил этган. 2012 йилнинг ўтган 6 ойида



эса, 115.347 та аризалар бўйича суд буйруғи чиқарилган.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Қувасой шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонаси қарздор Абдусаттор Нурматовдан коммунал тўловлардан бўлган қарзни ундириб беришни сўраб, суд буйруғи чиқариш ҳақида ариза билан мурожаат қилган. Маълум бўлишича, корхона томонидан мунтазам равишда истеъмол учун ичимлик суви ва оқава хизматлари кўрсатиб келингани ҳолда фуқаро А.Нурматов бир неча маротаба оғзаки ва ёзма тарзда огоҳлантирилганига қарамай 612.900 сўм қарзини тўламасдан келган.

Суд юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, қарздор А.Нурматовдан ундирувчи Қувасой шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонаси фойдасига 612.900 сўм асосий қарз ва 30.645 сўм давлат божи ундириш ҳақида суд буйруғи чиқарди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, буйруқ тартибида иш юритиш институти амалга татбиқ этилгунга қадар ушбу тоифадаги фуқаролик ишлари даъво тартибида кўрилар ва уларни кўриш учун кўп вақт талаб қилинарди. Чунки ушбу тоифадаги ишлар бўйича судьялар процессуал қонунчиликнинг умумий талабларига мувофиқ суд муҳокамасини ўтказиши шарт ҳисобланарди.

Маълумки, Меҳнат кодексининг «Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари» деб номланган 161-моддасига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Иш берувчи томонидан ходимга иш ҳақини тўлаш муддатининг бузилиши ходим ва унинг оила аъзолари ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Келинг, шу ўринда яна бир мисолга мурожаат этайлик. Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши Холбек Одилов манфаатини кўзлаб, қарздор «Максимум Газ Оил Сервис» МЧЖга нисбатан судга ариза билан мурожаат қилган.

Суд мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қарздордан ундирувчи фойдасига ҳисобланган, лекин тўланмаган иш ҳақи ва тушлик пулини тўлиқ ундириш билан бирга қарздордан 384.349 сўм давлат божи ҳам ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқарган.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида буйруқ тартибида иш юритиш институтининг жорий қилиниши фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган ҳуқуқий муносабатларни ўз вақтида ва ортиқча оворагарчиликларсиз ҳал этилишига хизмат қилмоқда. Бу эса, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти нақадар юқорилиги, хусусан, суд буйруғи институтининг суд ишларини тезкор ва самарали ҳал этишда муҳим ўрин тутаётганидан далолат беради.

Абдуҳалим АҲМЕДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг раиси

Islohot va samara

Бағрикенглик — юксак қадрият

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда айтиш жоизки, ярашув институти туфайли жазодан озод этилган фуқаролар бундай имкониятдан жуда мамнун бўлади. Қолаверса, улар қилган хатосини такрорламасликка, бошқача айтганда, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтаришга ҳаракат қилади. Суд амалиётида ушбу йўналишда такрорий жиноятлар деярли учрамаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Энди ушбу йўналишдаги суд амалиётига тўхталадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судида хивалик Нуриддин Ҳожиевнинг қилмишига оид жиноят иши кўриб чиқилди. Нуриддин ўзи кутмаган ва истамаган бир вазиятда қонунни бузиб, вояга етмаган бегунҳ ўспиринниг тан жароҳати олишига сабабчи бўлди. У отасига тегишли енгил машинани эътиборсизлик билан бошқаргани оқибатида автоҳалокат юз берди. Бироқ Нуриддин қилмиши ва унинг оқибатини чуқур англаб, жабр кўрган ўспиринга зарур барча ёрдамни кўрсатди. Шунинг учун ҳам боланинг яқинлари уни кечиришди. Суд уларнинг аризасига мувофиқ ишни ҳаракатдан тугатди.

Ярашув институти жорий этилганидан буён ўтган салкам 11 йил мобайнида биргина Хоразм вилоятида жами тўрт мингга яқин киши жиноий жазодан озод қилинди. Қонунчилигимизда юз берган бу каби туб ўзгаришлар салмоғи анча катта ва улар мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш асносида замонавий ва умумэътироф этилган демократик ҳамда халқаро меъёрларни юртимизда кенг жорий этиш имконини берди.

Бағрикенглик ва кечиримлиликнинг яна бир кўриниши — амнистиядир. Мазкур инсонпарварлик актини йил сайин мунтазам қўллаш эндиликда эзгу анъана тусини олди. Бунинг шарофатидан кўпчилик озодликка чиқарилди.

Амнистия акти маъмурий ва жиноят қонуни меъёрларидан фарқли ўлароқ, амал қилиш даврида содир этилган қилмиш учун эмас, балки кучга киргунга қадар амалга оширилган ножўя, ноқонуний хатти-ҳаракатларга нисбатан қўлланилади. Унга кўра, шахс жиноий жавобгарликдан; маҳкум эса, асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳамда муддатидан илгари шартли равишда озод этилиши; унга тайинланган асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазо муддатининг камайтирилиши; жазонинг ўталмаган қисми енгилроғи билан алмаштирилиши; судланганлик ҳолати муддатидан илгари олиб ташланиши мумкин. Бу каби имтиёз ва енгилликларнинг қўлами кенг, таъсири катта, албатта.

Инсон табиатан яхши сўз, меҳр-мурувватга ташна. Бағрикенглик, кечиримлилик тамойилларининг қонунчилигимизда, амалда таъминланаётгани ҳам инсон омилига бўлган юксак эътибор намунасидир. Зотан, Бош Қомусимизда ҳам инсон, унинг ҳаёти, шаъни ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилган. Ўтган йиллар мобайнида ушбу конституциявий тамойилнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топиши борасида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бугун фуқаролар манфаати, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

Абдулла СОБИРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Saboq

Инсон саломатлиги — бебаҳо неъмат

Инсон ҳаёти, унинг саломатлиги — бебаҳо неъмат. Шу боис юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш доимий эътиборда. Ушбу эътиборнинг маҳсули сифатида «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунда эса, тиббий мақсадда қўлланишга рухсат этилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан иш кўришнинг барча шакллари тақиқланиши, дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини ҳамда сифатсиз дори воситаларини реализация қилиш ва улардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Айтиш керакки, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида 2009 йил 12 августда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги 165-1-модда билан тўлдирилди. Унда сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмлар билан ноқонуний муомала қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Аммо шунга қарамай ҳаётда сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз дори воситаларини юртимизга ноқонуний йўллар билан олиб кириб, сотишга уринаётган кимсалар ҳам учраб туради. Мисол учун 2012 йил 24 апрель куни Нишон туманидаги «Ойдин» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказилган тадбирда Норали Минглиев ҳеч қандай ҳужжатсиз, сифатсиз, истеъмолга яроқсиз дори-дармон воситаларини сотаётгани аниқланган. Н.Минглиевдан 136 турдаги 613 минг 362 сўмлик сифатсиз дори-дармон воситалари ҳужжатлаштириб олинган.

Суд қарорига асосан Н.Минглиев Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165-1-моддаси билан айбдор деб топилиб, 1 миллион 258 минг 400 сўм миқдорида жарима жазосига тортилди. Далилий ашё сифатида олинган сифатсиз дори воситалари йўқ қилинди.

Шунингдек, 2012 йил 18 апрелда Нишон тумани «Оқ олтин» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ўтказилган тадбирда Чори Юсупов ҳеч қандай ҳужжатсиз, истеъмолга яроқсиз дори-дармон воситаларини сотиш билан шуғулланаётганлиги аниқланди. Ундан 368 турдаги 3,3 миллион сўмликдан зиёд сифатсиз дори воситалари ҳужжатлаштириб олинди.

Суд қарорига асосан Ч.Юсупов



ҳам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 165-1-моддаси билан айбдор деб топилиб, 1 миллион 887 минг 600 сўм миқдорида жарима жазосига тортилди. Далилий ашё сифатида олинган сифатсиз дори воситалари йўқ қилинди. Кўриниб турибдики, бу кимсалар инсон ҳаётидан ўз нафсларини устун қўйганлиги оқибатида жазосини олди.

Мухтасар қилиб айтганда, дори воситалари ёки тиббий буюмлар инсон саломатлигини муҳофаза-лашга хизмат қилади. Шундай экан, бу масалада сохтакорликка йўл қўйиш, инсон саломатлигига путур етказиш орқали моддий манфаатдорликка эришишга интилиш одамийликка ҳам тўғри келмаслигини унутмаслик керак.

Жасур НОРҚОБИЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судининг раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, ишлаётган оналарга иш жараёнида боласини овқатлантириш учун танаффус бериладими?

М.СОБИРОВА,
Оқдарё тумани



— Ҳа, ишлаётган оналарга боласини овқатлантириш учун танаффус берилади. Жумладан, Меҳнат кодексининг 263-моддасида белгиланишича, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун қўшимча танаффуслар берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киради ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади.

Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффус ва дам олиш, овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (иш сменасининг) бошига ёки охирига кўчирилиб, иш куни (иш сменаси) шунга яраша қисқартирилиши мумкин.

Бу танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

ҳуқуқлари ҳимояси

амалдаги қонунчиликда ўзининг теран ифодасини топган

Биринчи босқич суди судланувчи А.Раҳимбердиевга жазо тури ва меъёрини белгилашда айбни енгиллаштирувчи ҳолатларни, яъни унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноятни вояга етмаган ёшида содир этганлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифлангани ва у беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этгани, муқаддам судланмаганлигини инобатга олди. Суд ажрими билан вояга етмаган А.Раҳимбердиевга Жиноят кодексининг 88-моддасига асосан мажбурлов чораси қўлланилиб, Жиззах шаҳар «Сайилжойи» маҳалласи жамоаси олдида жабрланувчи А.Абшаматовдан узр сўраш мажбуриияти юклатилди.

Айтиш керакки, бу ҳаётда каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш, ёшларни тўғри йўлга бошлаш халқимиз табиатига хос қадрият ҳисобланади. Бироқ ҳаётда ушбу қадриятга зид йўл тутадиган, ўзининг манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Ўзганинг мулкини талон-торож қилиш орқали текин бойлик топиш илинжида вояга етмаган шахсни жиноий қилмишга бошлайдиган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Қонунларимизда вояга етмаган шахсни жиноят кўчасига бошлаган, жиноят содир этишга жалб қилган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо тайинлаш кўзда тутилган. Демак, вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш бундай жиноятнинг ижтимоий жиҳатдан хавфли эканлигини кўрсатади.

Судланувчи Д.Назаров С. Исоқовни ҳали вояга етмаганлигини, мактабда таълим олишини яхши биларди. Қолаверса, С.Исоқов ўзининг ёшини Д.Назаровга бир неча марта айтган. Чунки С.Исоқов бўш вақтини кўпинча Д.Назаров билан бирга ўтказиб келган. Судланувчи Д.Назаров эса, ўзганинг мулкини талон-торож қилиш, моддий манфаатдор бўлиш мақсадида вояга етмаган С.Исоқовни талончилик жиноятини содир этишга ундайди. У билан жиноий тил бириктириб, шу йилнинг 17 феврал куни Д.Назаров А.Исмоиловнинг эгнидаги курткаси ёқасидан ушлаб туриб, вояга етмаган С. Исоқовга унинг қўлидаги сумкасини олиб қочишга ишора қилади. Шу тариқа судланувчилар жабрланувчининг жами 416 минг сўмлик мулкини талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Тергов идораси томонидан судланувчи Д.Назаровнинг қилмиши Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисми, 166-модаси 2-қисми «в» банди билан малакаланди.

Биринчи босқич суди судга қадар жабрланувчига етказилган зарар судланувчилар томонидан тўлиқ қоплангани, суд мажлисида жабрланувчининг судланувчиларга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён қилиб, уларга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатма берганини инобатга олди. Бундан ташқари суд жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи, енгиллаштирувчи ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни инобатга олди. Суд Д.Назаровга Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, уч йилу олти ой, Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми «в» банди билан уч йилга озодликдан маҳрм қилиш жазоси тайинлади. Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан Д.Назаровга нисбатан тайинланган жазоларни бир-бирига қисман қўшиб, узил-кесил ўташ учун тўрт йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шунингдек, суд вояга етмаган С.Исоқовни Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми «в» банди билан айбдор деб топиб, Жиноят кодексининг 87-моддаси 2-қисмини қўллаб, жазодан озод қилди ҳамда Жиноят кодексининг 88-моддаси 1-қисми «а» бандида кўрсатилган «жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш» мажбурлов чорасини қўллашни лозим топди. Шунингдек, С.Исоқовга жамоат тарбиячиси тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ҳар бир фарзанд меҳр ва эътиборда. Улғайиб келаётган фарзандларни, уларнинг келажагини ўйлаб қилинаётган бундай эзгу ва хайрли ишларга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшишимиз мақсадга мувофиқ.

Шухрат ХУДОЁРОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Jinoyat va jazo

Тўғри йўл — умр зийнати

эгрилик эса, ҳеч қачон яхшилик келтирмайди

Суд очерки

Бу ҳаётда ҳар бир одамни, аввало, ҳалол меҳнати, эзгу ва савоб ишлари улуғлайди, унга обрў-эътибор олиб келади. Аммо ҳаётда ана шу оддий ҳақиқатнинг моҳиятини тушуниб етмайдиган, нафс васвасасида нопок ишларга қўл уришдан тап тортмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Олим Бакиров ҳам ана шундай кимсалар тоифасига киради. Гарчанд, у аввал бир неча марта қинғир ишга қўл уриб, айбига яраша жазоланган бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқариб олмади.

Аслида, О.Бакиров «Матиз» русумли автомашинани ижарага олиб, тинчгина меҳнат қилиб юрганди. Шу тариқа ҳам машинанинг ижара пулини тўлаётган, ҳам рўзғорини тебратаётганди. Бироқ нафс қутқуси уни тўғри йўлдан оздирди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mustaqilligimizning 21 yilligi oldidan

МАҚСАД — ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КЎПРОҚ ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Реконструция қилинаётган аэропортлар ва терминалларда қўшимча хавфсизлик зоналари ташкил қилинмоқда. Ёмон ниятли шахслар учун кордонлар ташкил этилмоқда, металл қидиргич мосламалар ва газ анализаторлари ёрдамида текшириш йўлга қўйилди, сканерлар ишлаб турибди, янги, янада мукаммал ва ишончли техника жорий этилмоқда, авиакомпания, божхона ва чегара хизматлари бўлинмаларида назоратчилар сони кўпайтирилди. Нафақат йўловчилар ва уларнинг юклари, балки авиакомпания ходимларининг ўзлари ҳам текширувдан ўтказилмоқда.

Аэропортлар ҳудудларида хавфсизлик чоралари уларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан таркиб топган постларни ташкил этиш, ушбу ҳудудларни видеокузатув тизимлари ва махсус техник текшириш воситалари билан таъминлаш орқали кучайтирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, шубҳали шахсларни ўз вақтида аниқлаш имконини бермоқда.

Айни пайтда «Самарқанд», «Бухоро» ва «Урганч» аэропортлари олдидаги майдонларни назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили авиация хавфсизлиги бўйича ўқитиш жадвалига мувофиқ ўқув-машғулот марказида текшириш хизмати ходимлари бошланғич ва қайта тайёрлашдан ўтказилаётир.

Аэропортлар, авиакомпания бўлимлари имконият ва воситаларини фавқулодда вазиятлар учун шай ҳолатда сақлаш мақсадида авария-қутқарув ускуналари ҳамда мавжуд мулклар ҳолати мунтазам текширилмоқда. Аэродром ёнғинга қарши кураш автомобилларидаги радиоускуналарнинг созлиги, авария-қутқарув ишлари раҳбари билан доимий алоқа йўлга қўйилгани, аварияга учраган ҳаво кемасини эвакуация қилиш учун зарур бўлган ёрдамчи материалларнинг мавжудлиги, тиббиёт қутичаларининг дори-дармон билан тўлдирилгани, радиоалоқа ва бошқалар шулар жумласидандир. Аэропортларда комплекс машғулотлар ўтказиш пайтида бу борадаги айрим камчиликлар аниқланиб, зудлик билан бартараф этилмоқда.

Қисқача айтганда, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида амалга оширилаётган қўриқлаш-режим тадбирлари ва объектлар ичидаги тартибни сақлаш ҳолати бугунги кун талабларига жавоб беради.

Шуни қайд этишни истардимки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида жорий этилган хавфсизлик стандартлари фуқаро авиациясидаги энг қатъий мезонларга мос келади. Ҳозир авиакомпаниямиз янги босқичдаги вазифаларни самарали ҳал этмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» IOSA аудитидан муваффақиятли ўтди ва бу муҳим воқеа бўлди. Авиакомпания аудитга тайёргарлик кўриш жараёнида ўз бўлимлари фаолиятини Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган парвозлар сифати ва хавфсизлиги стандартларига мувофиқ қайта ташкил этди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» IATA томонидан текширувдан ўтказилгач, IOSA операторлари расмий реестрига киритилди ҳамда Ўзбекистон миллий авиакомпанияси жамоасининг фаолияти юқори баҳолангани ҳақидаги тегишли сертификатга эга бўлди.

Бугун бутун дунёда авиация хавфсизлиги, авиаташишлар ишончлилиги ва сифатига талаб тобора ортиб бораётир. 1944 йилда қабул қилинган Халқаро фуқаро авиациясига тўғрисидаги Чикаго конвенцияси ва Халқаро фуқаро авиациясига ташкилоти (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги резолюциясига мувофиқ, ушбу ташкилот таркибига кирувчи давлатларга фуқароларнинг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида ахборот жамланган электрон чип ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар жорий этилишини таъминлаш тавсия этилган.

Маълумки, ҳозир компаниямизда электрон авиачипталар тизими қўлланилмоқда. Энди мамлакатимизнинг барча жойларида биометрик паспорт ҳам жорий этилмоқда. Биометрик маълумотларга эга паспортлар, жумладан, халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишга қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш, ушбу транспорт тури хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун имкон қадар қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрами арафасида Миллий авиакомпанияда парвозлар хавфсизлигини ошириш, йўловчилар ва авиация техникасига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир чора-тадбирлар янада кучайтирилди. Бу борада йил сайин такомиллашиб бораётган қатъий тизим йўлга қўйилган. Ҳозир мутлақ хавфсизлик тизимига эришиш чоралари кўрилаётир. Бу, ўз навбатида, йўловчиларга имкон қадар кўпроқ қулайликлар яратиш, парвозлар, йўловчилар ва мамлакатимиздаги барча аэропортлар инфратузилмасининг хавфсизлигини юқори даражада таъминлашга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, Миллий авиакомпаниямиз ходимларининг барча саъй-ҳаракатлари асосий вазифа — парвозлар ишончлилиги ва хавфсизлигини, авиаташишлар мунтазамлигини таъминлаш, йўловчиларга юқори маданиятли даражада хизмат кўрсатишга қаратилмоқда.

ЎзА мухбири Виктор НИКОЛАЕВ ёзиб олди.

Маълумки, гелотология психиатриядаги кулги ва унинг инсонга таъсирини ўрганувчи алоҳида фанлардан бири ҳисобланади. Тўғри, кейинги пайтда бу соҳани оддийгина «кулги ҳақидаги фан» деб атай бошлашди. Албатта, бу атаманинг яхши томони ҳам бор. Ахир, психиатрия сўзидан кўра, шунчаки «кулги» деганга нима етсин?

Sirli dunyo

Биз билган ва билмаган дунё

кулги ҳақидаги фан

Қисқаси, ана шу кулги фанининг пайдо бўлишига ўтган асрнинг 70-йилларида Америкада юз берган бир воқеа сабаб бўлган. Бунинг устига ушбу фаннинг асосчиси Норман Казино эса, тарихдан ўлимни ҳам кулдириб юборган инсон сифатида жой олган.

Гап шундаки, Норман узоқ йиллар давомида қон-томир ва бўғимлар оғриғи касаллигидан қаттиқ азият чекади. Бу касаллик таъсирида унинг аъзои-танида чидаб бўлмас даражада оғриқ кўзғаларди. Норман Казино касаллик туфайли мустақил ҳаракатлана олмас, шифокорлар эса, унга бирон-бир кўмак беришга ожиз эди. Норман бу дарддан халос бўлиш мақсадида барча даволаниш усулларидан фойдаланиб кўрган, аммо зиғирча ҳам фойда кўрмаганди. У охир-оқибат тақдирга тан бериб, шифокорларнинг ёрдамидан умид қилмай қўяди ва уйига қамалиб олади. У жисму жонини исканжага олган оғриқларни хиёл бўлса-да, унутиш мақсадида эрталабдан кечга қадар кулгили ва кўнгилочар фильмларни томоша қилиш билан машғул бўлади.

Буни қарангки, у ўзини шунчаки овутиш учун ўйлаб топган усул кутилмаган натижани беради. Бундан ҳатто шифокорлар ҳам ҳайратга тушишади.

Дарвоқе, ҳайратланса арзийдиган воқеа рўй берган эди. Чунки орадан бир ҳафта ўтгач, Норманнинг вужудидаги муттасил оғриқлар йўқолади, бир ойдан кейин эса, у ҳеч кимнинг кўмагисиз ўзи бемалол юра бошлайди, икки ой деганда эса, югуриб кетмаган бўлса-да, аммо қойиллатиб рақсга тушишни эплайди. Ана шундагина олимлар кулгининг инсон саломатлигига худди тўлақонли уйқу, тўғри овқатланиш ёки серҳаракат турмуш тарзи каби таъсир этиши ҳақида баб-баравар бонг ура бошлашди.

Ҳақиқатдан ҳам, кулги-ажойиб дори. Чунки юракдан самимий кулаётганимизда танамизга тарқаладиган позитив қувватлар нафақат бир соат, балки кун давомида ҳам етади. Бу эса, кулиш натижасида организмимиз томонидан дофамин, серотанин ва бахт гормонлари деб аталувчи — эндорфиннинг ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

Бундан ташқари кулгу қоидали жисмоний машқ ҳамдир. У одам организмидаги бира тўла 80 та гуруҳга мансуб мушакларнинг ишга тушишини таъминлайди. Инсон кулган пайтида елкалари ҳаракатланиб, диафрагмани келтириб чиқаради, беихтиёр бўйин мушакларини бўшаштиради, шунингдек, унинг бел соҳаси ва юзида ҳам фойдали ҳаракатлар машқи юзага келади. Айрим олимлар кулгини спортнинг фитнес машқларини бажариш билан баробар ҳисоблашади. Фитнеснинг ҳам асосий фойдали жиҳати юрак уришини бир меъёрда сақлаб, мушакларни фаол ишлатиши ва бунинг натижасида бутун танага калорин тарқалишини ҳисобга оладиган бўлсак, кулиш жараёнида ҳам айнан шу жиҳатлар мавжуддир.

Айрим геотеологлар эса, кулгини умуман барча юрак-қон томир касалликларидан тортиб, ҳатто онкологик касталикларгача даволай олувчи восита, деб ҳисоблайдилар. Ахир, кулги касаллик туфайли организмда юз берадиган салбий ўзгаришлар — стресс гормонларининг ишлаб чиқарилишини камайтиради, инсон танасидаги холестерин миқдорини камайтириб, қон босимини яхшилайди, иммунитетни мустаҳкамлайди.Тўлиқ соғайиш учун бундан ортиқ яна нима керак?

Америкалик гелотологларнинг таъкидлашича, 5 дақиқалик кулги 40 дақиқалик ҳордиқ ўрнини босаркан. Шу боис ҳам айрим ривожланган давлатларда кулгутерапияси билан шуғулланадиган мутахассислар фаолият юритади.

Немис психологи Иоганн Келлер табассумни «инсон кайфиятининг ташриф қоғози» деб баҳолайди. Унинг фикрича, ҳар бир одамнинг кулгиси унинг бармоқ изларидек ўзига хос ва индивидуалдир.

Айниқса, инсоннинг қандай кулиши унинг феъл-атворини яхши характерлайди. Шунинг учун оғзини кафти билан беркитиб кулувчилар тортинчоқ, тезда хафа бўладиган ва ҳамма нарсадан қўрқавериши, уятчан бўлгани учун ҳатто кулган пайтида ҳам билинтирмасликка ҳаракат қилишади.

Бошини орқага ташлаб кулаётган инсонлар эса, кенг феъллиги, ҳотамтой, ишонувчан, бир пасда ҳиссиётларга берилиб кетиши ва ақлга эмас, кўпроқ юракка қулоқ тутиб иш кўрувчи инсонлар эканлиги билан фарқланадилар.

Бошини олдинга эгиб кулувчилар гўёки кулишини ҳам яширишга ҳаракат қилади. Феъл-атвордаги бундай хусусият инсоннинг кўнгли бўшлигининг далолатидир.

Бир сўз билан айтганда, ҳаётда шундай фаннинг мавжуд бўлгани яхши. Чунки бу фан барчамизнинг соғлиғимиз учун бирдек фойдалидир.

Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚУЗИЕВА тайёрлади.

Hikmat

Донолар дейдиларки:

Дўст ўз меҳрини бошингга ташвиш тушганда исботлайди.

* * *

Табиатан барча одам билимга эҳтиёжманд.

* * *

Меҳнатнинг таги хотиржамликдир.

* * *

Ҳаётда гўзаллик, қувват ва саодатнинг манбаи соддаликдир.

* * *

Одамларга фойдаси теккан эзгулик — энг буюк эзгуликдир.

* * *

Илмнинг томири отиши азобли, аммо ҳосили ширин.

* * *

Бағрикенглик барча фазилатлар ичида энг севимлисидир.

* * *

Ёлғончи рост сўзласа ҳам ҳеч ким ишонмайди.

* * *

Сабоқ бера олиш — чуқур билимга хос ёрқин белги.

* * *

Кимки ёшликда билим олмас экан, ўз ўтмишини йўқотади.

* * *

Зўравонликдан кўра, ишонч уйғотиш кўпроқ самара беради.

Jinoyat va jazo

Тўғри йўл — умр зийнати

эгрилик эса, ҳеч қачон яхшилик келтирмайди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Гап шундаки, кунларнинг бирида унинг машинасига ораста кийинган бир мижоз ўтирди. Гапдан-гап чиқиб, йўловчи унга иш таклиф қилиб қолди:

— Кўринишингиздан тушунадиган, муомалани биладиган одамга ўхшайсиз, — деди ўзини Шуҳрат деб таништирган ҳамроҳи. — Агар хоҳласангиз, мен сизга яхши бир иш топиб бераман?

— Қанақа иш экан? — сўради Олим янги танишидан.

— Бир фирма очмоқчиман, шунга ишнинг кўзини биладиган одам керак.

— Э, бу бизга тўғри келмайди, — деди Олим.

— Нега тўғри келмайди, ҳамма ҳужжатларни ўзим тўғрилайман, харажатлар ҳам мендан. Сиз фақат фирмани бошқарсангиз бўлди...

Сўзимиз бошида Олим Бакировнинг аввалги қилмишларидан тўғри хулоса чиқармаганини таъкидлаган эдик. Бойлик меҳнат эвазига келгандагина татишини, нопок даромад эса, хайрли бўлмаслигини унутган Олим Бакиров кутилмаган «таклиф» ҳақида обдон ўйлаб кўриш, ҳеч бўлмаса, яқинлари билан маслаҳатлашиш ўрнига дарров розилик берди-қўйди. Бир ой ичида Шуҳрат билан бирга керакли ҳужжатларни расмийлаштириб, янги «Ботир-Зуҳра» масъулияти чекланган жамиятига раҳбар ва таъсисчи этиб тайинланди. Олим фирма ҳужжатларида фақат ўзининг исм-фамилияси расмийлаштирилгани, бош ҳисобчи лавозими кўзда тутилмаганидан ҳам хавотирланмади, уни фақат ҳар ойда оладиган мўмай пул қизиқтирарди, холос.

— Янги ишлар муборак бўлсин! — деди ишлар битгач, Шуҳрат айёрона кулиб.

— Раҳмат, — миннатдорчилик билдирди Олим оғзининг таноби қочиб. — Бизга нима топшириқ, ишни қачондан бошлаймиз энди?

— Э, қизиқ экансиз-ку, сиз бемалол ишларингизни қилиб юраверинг, — Олимнинг елкасига қўл ташлади «серҳиммат ҳомий», — ҳужжатларга имзо қўйиш керак бўлганда ўзимиз чақирамиз.

Чиндан ҳам, 2011 йил 23 сентябрда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан рўйхатдан ўтган «Ботир-Зуҳра» масъулияти чекланган жамияти директори Олим Бакиров фақатгина зарур пайтларда чақирилар, қўлига тутқазилган бўш шартнома, ҳисоб фактура ва ишончномаларга, хуллас, жамият фаолият юритиши учун зарур бўлган ҳужжатларга имзо қўярди, холос.

У Шуҳратнинг, аниқроғи, масъулияти чекланган жамиятининг қандай фаолият билан шуғулланиши ҳақида эса, ҳеч нарса билмасди. Маошга келсак, у ой бошида 500 минг сўмни қуртдай санаб олди, устига-устак кейинчалик бу миқдор яна кўпайиши ҳақида ваъда ҳам беришди.

Гапнинг ўнғайидан ҳам сезаётгандирсиз, нафс қутқусига учган Олим пул учун ҳамма нарсага тайёр бўлган, ҳатто нотаниш кимсаларга ўзининг номидан фойдаланишга рухсат берган.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деб бежиз айтишмаган. Олим Бакиров узоқни кўра олмаслиги туфайли масъулияти чекланган жамиятнинг қинғир ишларидан бехабар бўлиши мумкин, бироқ бундай қонунбузарликлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар назаридан четда қолмади. Мазкур жамиятнинг 2011 йил 23 сентябрдан 31 декабргача бўлган фаолияти ўрганилганда, бир қатор қонунбузарликларга йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, Президентимизнинг «Бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари ҳаракатини қисқартириш тўғрисида»ги қарори талабларига зид равишда, масъулияти чекланган жамият томонидан 721 500 000 сўмлик харидоргир маҳсулотлар турли бозорларда нақд пулга сотилган, бироқ бу маблағ банкка топширилмаган. Шунингдек, масъулияти чекланган жамият раҳбарлари сохта тадбиркорликка ҳам қўл уришган. Улар пул маблағларини нақдлаштириш учун «Саид-Аброр Элит» корхонаси раҳбари И.Низомов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, шакар маҳсулотларини сотиб олиш бўйича сохта олди-сотди шартномасини тузишади. «Ботир-Зуҳра» МЧЖ 100 000 000 сўмни «Саид-Аброр Элит» корхонаси ҳисоб рақамига шакар учун ўтказиб беради. Бу пулни эса, Шуҳрат ва «Саид-Аброр Элит» корхонаси мансабдор шахслари нақдлаштириб, банк муассасаларига инкассация қилмайди. Бу қинғирликларни яшириш мақсадида ҳисоб фактуралар, шартномалар, ишончномалар йўқ қилинади...

Енгил пул топишни ўзига эп билган О.Бакировнинг қора ишлари фош бўлиб, у Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди. Хусусан, бир йил муддатга моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган лавозимларни эгаллаш, хусусий тадбиркорлик ишлари билан шуғулланиш, хусусий корхона ва фирма очиш, унга раҳбарлик қилиш ва ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Қисқаси, осонгина бойимоқчи бўлган Олим Бакировнинг қилмиши жамият, фуқаролар манфаатига фойда эмас, аксинча, зиён келтирди. Ҳолбуки, у шубҳали бойликка эришишни ўзига эп кўрмай, ҳалолликдан чекинмаганида, боши тошга тегмас, яқинлари олдида юзи шувит бўлмасди. Зеро, ҳақиқий бойлик — меҳнат эвазига келган бойликдир.

Файзулла АТАБАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судининг раиси
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
«Куч — адолатда» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Эшмирза Қамбаровга отаси

Абдувайит ҚАМБАРОВнинг

вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ, Шерали РАҲМОНОВ, Боқижон ЯҲЁЕВ, Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-816. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7660.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰